ўзССР Давлат китоб палатаси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

3 июнь куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, республика вазирлик, қўмита, уюшма, компания ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Озод Пармонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Қарши шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шуҳрат Бегматовни Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Шўртан газкимё мажмуи қурилишини кўздан кечирди. Хорижий сармоядорлар биланҳамкорликда барпо этилаётган бу улкан иншоот мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимиз раҳбари бу ердаги иш суръати билан танишар экан, технологик жараён, бўлғусида олинадиган маҳсулот турлари билан қизиқди.

Мажмуа фаолияти учун зарур бўладиган сув ресурслари, электр энергияси, транспорт, автомобиль ва темир йўллари, бошқа коммуникациялар қурилишини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди. Жумладан, қурилажак сув иншооти сиғимини 16 миллион куб метрга етказиб, сув ресурсларидан нафақат саноат эҳтиёжи учун, балки экин майдонларини суғоришда ҳам фойдаланиш зарурлигини уқтирди.

Мазкур комплексни барпо этиш нияти 1978 йилда пайдо бўлган эди, деди Ислом Каримов. Лекин собиқ шўро давридаги камситувчи сиёсат, Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишини истамаган марказ бу ғояга тиш-тирноғи билан қарши турди.

Мустақиллик туфайли халқимиз азалий орзуларига эришмоқда. Бугун Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши қизғин давом этмоқда. Бир йилда 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга бўладиган бу янги корхонада асосий маҳсулот -- газ конденсати, метан ва этан газлари, бензиндан ташқари яна кўплаб турдаги зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан, этан гази қимматбаҳо маҳсулот -- полиэтилен тайёрлашда асосий хомашёдир.

Президентнинг Қашқадарё сафари чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Усмон Худойқулов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА махсус мухбири.

***

СУРАТЛАРДА: сессия пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 4 июнь, пайшанба • № 66 (22.303).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА

Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқи

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Энг аввало, бугун сизлар билан яна бир бор юз кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни билдиришга ва сизлар орқали Қашқадарё халқига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Қашқадарё вилояти юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мағрур ва танти инсонлари билан маълум ва машҳурдир.

Вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривожи ва тараққиёти асоси бўлмиш ёқилғи маҳсулотларини етказиб беришда ҳам Қашқадарё етакчи ўринда туради. Ўзбекистон халқининг кундалик эҳтиёжига айланган табиий газнинг 90 фоизи ана шу ерда ишлаб чиқарилади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак гази, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть кони ва бошқалар Қашқадарёнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган жуда катта ҳиссасини кўрсатиб туради.

Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши мамлакат халқ хўжалиги учун катта воқеадир. Бугун вилоятда ана шундай улкан қурилишлар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Натижада воҳанинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти тобора кучаймоқда.

Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Шўртангаз кимё мажмуи қурилиши халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилган.

Иншоот қурилишига 600 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Қашқадарё бой тарихий маданиятга эга. Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарлар бу воҳа халқи ноёб маданиятидан гувоҳлик беради. Бу қадим шаҳарларимизнинг тарихий шуҳрати ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шаҳрисабзнинг буюк бобокалонимиз Амир Темур номини олган мўътабар орден билан мукофотланишида улкан бир маъно бор.

Шу билан бирга, холисона тан олишимиз керак, Қашқадарё вилоятида мавжуд табиий, иқтисодий ва молиявий имкониятлардан, авваламбор шу воҳада яшаётган меҳнаткаш, заҳматкаш, мард, кўпни кўрган халқнинг салоҳиятидан ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Барчамизни ташвишга солаётган баъзи бир бузилишлар кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлатимиз ягона сиёсатининг бажарилишига хавф солмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун сизлар билан бундан икки ярим йил бурун мана шу залдаги мажлисимизда ўтган гапларни эслаб, очиқчасига сўзлашиб, сизлар билан берилган ваъдалар, келишилган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, тегишли хулосалар чиқариб, янги режаларимизни белгилаб олишимиз керак.

Хўш, ўша мажлисда нима гаплар бўлган эди?

Агар ёдингизда бўлса, мен ўшанда вилоятнинг янги сайланаётган биринчи раҳбариға қарата: «Билиб қўйинг, мана шу юртнинг тақдирини сизга ишониб топширяпмиз. Сиз энди буларга бошқош бўлинг, дардига ҳамдард бўлинг, кўнглига яқин бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз шу элнинг фарзандисиз, унинг олижаноб фазилатларини ҳам, камчиликларини ҳам яхши биласиз. Вилоятни ўрганиш учун сизга вақт керак эмас, чунки шу жойда туғилиб-ўсгансиз. Бу жойнинг шароит ва имкониятларини сиздан яхши биладиган одам йўқ», деган мазмундаги сўзларни айтган эдим.

Ўшанда Озод Пармоновга яна: «Аввало, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, уруғчилик-қабилачилик каби иллатлардан йироқ бўлинг. Чунки вилоятда бундай хавфли сарқитлар ҳали ҳам бор. Асосий вазифа - одамларнинг руҳини кўтариш, бошини силаб ҳимоялаш, уларнинг куч-ғайрати, имкониятларини тўғри йўлга солишдан иборат», деб айтган эдим.

Бу юртда шундай одамлар яшайдики, уларнинг кўнглини, қадду қоматини кўтарсанг, ҳақ гапни айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Р. БЕГМАТОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Шуҳрат Раҳимович Бегматов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О. Д. ПАРМОНОВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Озод Давронович Пармонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 июнь.

Бу дунёнинг ишлари

ШИМОЛИЙ АФҒОНИСТОНГА ЁРДАМ БЕРИЛМОҚДА

Жаҳон жамоатчилиги яқинда юз берган кучли зилзиладан зарар кўрган Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари аҳолисига бериладиган инсонпарварлик ёрдамини кучайтиришга қарор қилди. Жумладан кеча эълон қилинишича, Европа иттифоқи 1,5 миллион доллар, Германия Федератив Республикаси эса 300 минг доллар маблағ ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Афғонистонга нисбатан ҳеч қандай дипломатик алоқалари бўлмаган Исроил ҳам жафокаш халққа ёрдам бермоқчи. БМТдаги маълумотларга кўра, ҳалокат рўй берган туманлардаги 70 минг аҳолининг 45 минг нафари бошпанасиз қолган. Беш мингдан зиёд одам эса («Озод Европа» радиостанциясининг маълумотларига кўра) қурбон бўлган.

АМЕРИКАЛИК ДИПЛОМАТ ТБИЛИСИГА КЕЛДИ

Америкалик олий мартабали дипломат, МДҲ давлатлари билан муносабатларни бошқарувчи Стивен Сестанович кеча Тбилисига келди. У Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе билан учрашади. АҚШ давлат департаменти вакилининг айтишига кўра музокаралар давомида Абхазиядаги аҳвол ва умуман Грузия—Абхазия можаросини тинч йўл билан бартараф этиш масалалари муҳокама қилинади. Кейин Сестанович Каспий денгизи ҳавзасидаги нефть ва газ ресурсларини қайта ишлаш, уни экспорт қилиш муаммоларини муҳокама этиш учун Озарбойжон, Арманистон ва Туркманистонга ҳам боради.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

«Озод Европа» радиостанциясининг хабарига кўра Москвада Россия, Германия ва Франция Россия атом электр станцияларида плутонийдан фойдаланиш ҳақидаги шартномани имзолашди. Россия атом энергияси вазири Адамовнинг тушунтиришича, гап Россия ядровий қуролларини йўқ қилиш натижасида бекор қолган 50 тонна плутоний ҳақида боряпти. Уч мамлакат мутахассислари эса ана шунча плутонийни ёқилғи саноатида ишлатиш лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатишлари зарур. Адамовнинг сўзларига қараганда Россия 2000 йилгача ўзининг учта атом реакторини АҚШ ёрдамида ёпиши керак.

ИНДОНЕЗИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ КЕЛГУСИ ЙИЛ БЎЛАДИ

Индонезияда Президент ва вице-президент сайловлари 1999 йилнинг охирларида ўтказилиши мумкин. Ҳозирги Президент Юсуф Ҳабибий Индонезия пойтахтида Си-Эн-Эн компанияси мухбири билан суҳбатда шундай деди. Бу давргача мамлакатда янги парламент сайланади, деди у. Шундан сўнг Президент сайловлари ўтказишга ҳам имкон бўлади. Шуни эслатиб ўтамизки, Индонезия Конституциясига биноан президент умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланмайди. Бу ерда президент халқ маслаҳатчилари конгресси томонидан беш йил муддатга сайланади. Конгресс таркибига эса халқ вакиллари кенгаши (парламент), туманлар ва ҳаракатдаги гуруҳлар (қуролли кучлар, ёшлар ва бошқа ташкилотлар) вакиллари киритилган.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ БОШЛАНДИ

Индонезия бош прокурори собиқ президент Сухарто тарафдорларининг коррупция ва порахўрлик билан шуғулланганликлари муносабати билан тергов ҳаракатларини бошлаб юборилганлигини айтди. Прокурорнинг айтишига кўра бу ҳаракат бевосита Сухартонинг ўзига қаратилган. У 32 йил мобайнида ҳокимият тепасида турган. Шу вақт мобайнида унинг оиласи 40 миллиард доллар миқдорида ҳаром маблағ тўплаган. Ҳозирча собиқ президентга нисбатан беайблик презумпцияси амалда. Бироқ унинг оила аъзоларига мамлакатдан чиқиб кетиш ман этилган. Мусулмон муҳолифатчилари раҳбари Амин Раис Сухарто ўз бойлигининг асосий қисмини мамлакатга топширсин, деб талаб қилаётир. Бу ҳолда Индонезия халқаро валюта жамғармасига ялиниб ўтирмай, иқтисодий инқироздан ўз кучи билан осонгина қутулиб олиши мумкин.

«Ла Либр Бельжик»:

ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

Биз — Ўзбекистонданмиз.

Бу ердан икки юз километр нарида Афғонистон ҳудуди - дастлаб маҳаллий ўзбеклар, кейинчалик мавжуд толиблар тасарруфида бўлган жойлар бошланади. Бу ерда шариат қонунларига мувофиқ, аёлларнинг бошдан-оёқ паранжига бурканмай кўчага чиқиши, мусиқа тинглаш, жонли мавжудотларнинг суратини чизиш ва суратга олиш тақиқланган.

Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий шаҳар -- Самарқанд бозорларида эса, ўзингизни бошқа сайёрада юргандек ҳис этасиз. Бу ерда ҳар қадамда аёлларни учратишингиз мумкин.

Улар майин табассум қилишади, кўйлаклари эса камалак рангида товланади. Сайёҳлар уларни суратга туширар экан, чинакам меҳмондўстлик ва хушфеъллик нима эканини билиб қайтишади.

Бу -- Ўзбекистон дунёвий давлат эканлиги туфайлидир.

«Биз аждодларимиз эътиқод қилган динни ҳурмат қиламиз, ислом биз учун маънавий куч манбаидир», - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти. (Отаонаси унга Ислом деб исм қўйган). -- Лекин бу ўлкада ҳеч қачон ислом давлати бўлмаган. Ҳатто буюк Темур даврида ҳам юртимиз дунёвий давлат ҳисобланган. Биз бу ерда диний маҳдудлик тарқалишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Бундай хавф мавжуд, албатта, лекин бундай хавфга қарши қандай курашиш лозимлигини яхши биламиз».

СССР парчаланиб кетганидан сўнг минтақавий рақобат ва Афғонистон таъсири шароитида қўшни Тожикистонда собиқ коммунистлар билан Покистон ва Эрон қўллаб-қувватлаб турган турли мазҳабдаги ислом гуруҳлари ўртасида фуқаролар уруши авж олиб кетди. Бу уруш Марказий Осиё хавфсизлигига асосий таҳдид ҳисобланади. Бундан ташқари,

(Давоми 3-бетда).

ХДП хабари

ҚОМУСИЙ АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бош илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев машҳур ватандошимиз — қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий мероси ва унинг аҳамияти мавзуида маъруза қилди.

Машғулотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилояти, шунингдек, уларнинг таркибидаги қатор маҳаллий партия кенгашлари масъул ходимлари ҳамда партия марказий матбуот нашрлари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«ҚЎЙ БОҚИНГЛАР, ҚЎЙ БАРАКА КЕЛТИРАДИ»

— дейди Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Бердиали Бердимуродов

Муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, чорва моллари маҳсулдорлигини таъминлаш, янги мулкчилик шаклларини вужудга келтириш, аҳолини гўшт, сут, тухум сингари маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондириш вазифасини кун тартибига долзарб қилиб қўйди. Бу эса узоқни кўзлаб пухта ишлаб чиқилган дастур асосида иш юритишни, ер, деҳқон, фермер, қишлоқ хўжалиги ширкати тўғрисида яқинда Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида қабул қилинган қонунларни амалга кенг жорий этишни тақозо қилмоқда.

-- Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят чорвачилик маҳсулотлари, хусусан, қорақўл тери, гўшт, сут, тухум етиштириш бўйича бир пайтда республикамиз олдинги ўринларда турарди. Афсуски, кейинги ўн йилликларда бу юксак мавқе пасайиб кетди. Рўй берган аҳвол, албатта, вилоят ҳокимлигини ташвишлантирмай қолмади. Вазият, муаммолар, имкониятлар чуқур ўрганиб чиқилиб, 2000 йилгача бўлган давр тармоқ тараққиёти дастури ишлаб чиқилди.

-- Дастур асосида пухта ва аниқ иш олиб борилмоқда демоқчисизда?

-- Худди шундай. Ўтган йили жуда кўп хўжаликлар, деҳқон, фермер жамоалари чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашда туб бурилиш ясадилар. Масалан, Пахтачи туманида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган Р.Давронов бошлиқ сут-товар фермаси жамоаси жорий йилни 1 миллион 368 минг сўм фойда билан якунлади. Қорақўлчиликка ихтисослашган икки туман -- Нуробод ва Қўшработдаги хўжаликларни олайлик. Улар жаҳонга машҳур Самарқанд қора кўл терилари тайёрлашни кўпайтириш учун бутун кучимкониятларини ишга солмоқдалар. Чорвадорларни тадбиркорлик билан, янгича шакл -- оила пудрати асосида иш юритаётганликлари туфайли бу йил вилоят республика бўйича биринчи бўлиб тўл олиш мавсумини муваффақиятли якунлади. Энг муҳими кейинги ўн йилда биринчи марта юқори кўрсаткич қайд этилди. 139694 бош совлиқдан 144591 та қўзи олинди. Уларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, 2000 йилгача нурободликлар қўйқўзилар сонини 350 минг бошга, қўшрабодликлар 200 минг бошга етказиш ташаббуслари билан чиқдилар. Вилоят ҳокими бу ташаббусни маъқуллади.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ, албатта. Бу вилоят ҳокимлигининг тармоқда ижобий ўзгаришлар ясаш учун қатъият билан иш олиб бораётганининг маҳсулидир. Мисол учун, қўзилатиш мавсуми олдидан Каттақўрғон туманидаги «Қорақўлча» хўжалигида чорвачиликка дахлдор барча муассаса, ташкилот, хўжалик, туман раҳбарлари, илм-фан намояндалари иштирокида тармоқдаги аҳвол кенг муҳокама этилиб, соҳа қаддини тиклаш юзасидан маслаҳатлашиб олинди. Чорвачиликни, хусусан, қорақўлчиликни даромад келтирадиган соҳага айлантириш тадбирлари белгиланди.

-- Тўғрида, жаҳон бозорида битта қорақўл терини ўртача баҳоси 30-35 доллар, сут-гўшт, тухум нархи ҳам унчалик паст деб бўлмайди. Бундай шароитда чорвачилик даромад бермайди деб ўйлаш хатодир. Вилоятда тармоқни юксак тараққиёт даражасига кўтариш учун жуда катта илмий салоҳият бор. Ўзбекистон Ветеринария, Қорақўлчилик илмий тадқиқот институтлари, Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳи, қишлоқ хўжалик техникумларида қанчадан қанча малакали мутахассислар, олимлар, кадрлар, иқтисодчилар бор.

Бошқача айтганда, вилоятда чорвачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар бор. Бу йилги ютуқларимиз бунга асосий замин бўлади. Бутун диққат-эътиборни чорвачиликни ривожлантиришга, маҳсулотларни кўпайтиришга қаратганмиз. Шу туфайли дастурҳонимизнинг тўкинсочин, қозонимизнинг ҳам, чўмичимизнинг ҳам мой бўлишини таъминлаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Лутфулла МАМАСОЛИЕВ суҳбатлашди.

ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

билан ҳамдард, елкадош бўлиб яшасанг, ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб айтган эдимми-йўқми?

Хўш, мана энди бу гапларга икки ярим йил бўлди. Албатта, ўтган давр мобайнида вилоятда салмоқли ишлар ҳам, ўзгаришлар ҳам бўлди. Қашқадарё халқи шу айтилган гапларга, янги раҳбарга ишониб, мерос бўлиб қолган камчиликларни бартараф этамиз, деб ишлади. Шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам ижобий ишлар бўлди. Ғалла, пахта етиштириш бўйича режалар уддаланди. Ўйлайманки, вилоятнинг бу йилги ҳосили ҳам ёмон бўлмайди.

Албатта, бу ишларнинг барчасини эътироф этиш керак. Буни тан олмаслик инсофдан эмас.

Лекин бўлаётган ижобий ишларни ҳам тан олиб, **вилоятда рўй бераётган баъзи хатарли иллатларнинг олдини олмасак,** жамоатчиликнинг диққат-эътиборини бу ҳолни бартараф этишга қаратмасак, унинг салбий оқибатлари ҳаётимизда катта тўсиқ бўлиб қолиши муқаррар.

Гап нима ҳақида бормоқда? Бизни ташвишга солаётган масала кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг қобилият-имкониятларига қараб жой-жойига қўйиш. Уларга ишонч билдириб, вилоятда соғлом муҳит яратиш ҳақида кетмоқда.

Кейинги икки ярим йил ичида вилоят ҳокими тасарруфига кирадиган раҳбарларнинг 46 фоизи, ижтимоий соҳа раҳбарларининг 60 фоизи, савдо, маиший хизмат, иқтисодий соҳа раҳбарларининг 56 фоизи, «Ўздонмаҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси тизими раҳбарларининг 60 фоизи алмаштирилган.

Вилоятдаги ва туманлардаги, хўжаликлардаги барча катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда холисона қараш ўрнига таниш-билишчилик, уруғчилик, ошнаоғайнигарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар ҳукм сурмоқда. Аҳвол шу даражага етиб борганки, раҳбар назарида яхши кўринган одам лавозим оладди, назарига хунук кўринган, ёқмаган одам вазифадан четлашади.

Бошқача айтганда, кадрларни тайинлашда раҳбарнинг субъектив қарашлари асосий омил бўлиб қолган.

Бундай қарашлар, бундай сиёсат нимага олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас. Авваламбор лаганбардор, хушомадгўй «лаббай»чиларнинг сони кўпайишига ва ҳудудда соғлом муҳитни, адолатни бузишга, шунинг оқибатида аҳолининг ишончини йўқотишга, раҳбарлар ва ҳокимиятларни обрўсизлантиришга олиб келиши турган гап.

Ахир, ҳокимият ва назорат идораларида, маъмурий-ҳуқуқий муассасаларда мана шу принципда танланган раҳбарлар ўтирса, бу жойда қонун ва адолат ҳукмронлиги ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Шундан кейин қонуннинг кучи, қонуннинг таъсири, қонуннинг обрўси, қонунга - адолатга одамларнинг ишончи ҳақида гапиришнинг нима ҳожати бор?

Барака топкурлар, қани, айтинглар-чи, ҳоким - халқнинг хўжайиними ёки халқнинг ҳимоячисими?! Биз қайси даврда яшаяпмиз?! Бундай манманлик, димоғдорлик ва бундай такаббурлик қаёқдан пайдо бўлди ўзи?!

Ўйлайманки, одамнинг ақли бовар қилмайдиган бундай ҳолатларни вилоятда содир бўлаётган қонунбузарлик ва ўзбошимчалик, раҳбарларнинг ҳаддидан ошиб кетаётганлиги, вилоят ҳаётида мавжуд бўлган баъзи бир хунук ҳолатларни ва ҳақиқатни яшириш, ошкора қилмаслик каби ҳаракатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳасида, ижтимоий ривожланиш, социал муаммоларни ечиш, одамларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш масалаларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни холисона тан олиш ва уларни ҳал қилиш йўлида жамоатчиликни жалб қилиш ўрнига аҳволни безатиб кўрсатишдек интилишлар ҳукм сурмоқда.

Бу фикр ва хулосаларнинг исботи ўлароқ, вилоятда иқтисодий аҳволни яхшилаш, ислоҳотларнинг самараси ва натижаларини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлиги кўзга ташланади.

Вилоятда мавжуд 47 та қўшма корхонанинг учдан бир қисми фаолият кўрсатмаяпти. Улар томонидан маҳсулотларни экспорт қилиш ишига эътибор берилмаган. **Қўшма корхоналарнинг аксарияти ички бозорда тижорат ишлари билан шуғулланмоқда. Низомда белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти эсдан чиққан. Бу осон йўл билан пул топиш, ўзини ҳам, жамиятни ҳам алдашдан бошқа нарса эмас.**

Шу йилнинг биринчи чорагида саноат корхоналарининг 28 таси ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган. Жумладан, енгил саноат маҳсулотлари 36 фоиз, ғишт 21 фоиз, темир-бетон 37 фоиз камайган.

1998 йилнинг 1 апрелидаги ҳолатга кўра, саноат корхоналарининг омборларида 2 миллиард 300 миллион сўмлик тайёр маҳсулот мавжуд. Шундан 250 миллион сўмлиги 2-3 йилдан бери сотилмай ётибди.

«Қаршиқурилиш» махсус саноат корхоналари бошқармаси, Шаҳрисабз «Кристалл» корхонаси, шароб-консерва ва шароб-ароқ заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини сурункасига камайтириб келмоқда.

Янги қурилган «Каштекс» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг фаолиятини олсак. Бу корхона замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Хомашё билан шу ернинг ўзида тўла таъминланади. Бироқ, **ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати паст, экспорт қилишга ярамайди. Шунинг учун ҳам корхона ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Бу ҳол энг замонавий технологияни зарур даражада эгалламаслик, ишчи кадрларни тайёрламаслик, касб маданияти ва дунёқарашини шакллантирмаслик, охир-оқибатда эса ташкилий жиҳатдан раҳбар кадрларни танламаслик натижасида юз берган ҳодисадир.**

Қашқадарё вилояти аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг тез ўсиши билан ажралиб туради. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра меҳнат ресурслари ўтган йилга нисбатан 4,4 фоиз кўпайди. Бу ўз навбатида зудлик билан янги иш ўринларини яратишни тақозо этади.

Аммо бу борадаги амалий ишлар қониқарсиз бажарилмоқда. Жумладан, вилоятда ўтган йили янги иш жойларини ташкил этиш топшириғи атиги 38 фоиз, Касби туманида 7 фоиз, Чироқчида 12, Деҳқонобод туманида эса 16 фоиз бажарилган.

Қурилиш соҳасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Кўпгина ташкилотларнинг аҳволи тобора ёмонлашмоқда. Ажратилган капитал маблағлардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланилмаётганлиги сабабли қурилиши тугалланмаган иншоотлар сони кейинги йилларда икки баравар кўпайди. Уларнинг умумий қиймати 8 миллиард 330 миллион сўмдан ошиб кетди. Хўжасизлик, ишга лоқайдлик билан қараш ва бепарволик иллатлари қурилиш соҳаси раҳбарлари учун сурункали касалликка айланиб қолди. Улар жавобгарликни ҳис этмаяптилар.

Бюджетга ундирилмаган боқимандалик қарзлар миқдори 1998 йил 1 январда 6,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 апрелда бу кўрсаткич 8 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг йўл қўйган камчилиги бутун вилоят халқ хўжалигини орқага тортишга сабаб бўлмоқда.

Бюджет кўрсатмалари ва даромадлари бажарилмаса, ойлик-маош ҳисобидан яшаётган ўқитувчилар, шифокорлар, маъмурий ташкилотларнинг ходимлари каби хизматчиларнинг иш ҳақи нима ҳисобидан тўланади?

Вилоят молия ташкилотлари ва солиқ идоралари раҳбарлари бу саволга қандай жавоб беради?

Ҳурматли депутатлар!

Сизларга маълумки, қишлоқ хўжалик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ишига ҳар галгидан ҳам жиддийроқ эътибор бермоқдамиз. Дарҳақиқат, бу бизнинг мамлакатимиз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шуни назарда тутиб, биз деҳқончиликни тубдан ўзгартириш, унинг маданиятини ошириш, қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш бўйича давлат Дастурини ишлаб чиқдик.

Олий Мажлиснинг кейинги сессиясида Ер кодекси, ширкатлар тўғрисида, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунлар туркуми қабул қилинди. Ер кадастри тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Энди бир замонлардаги кампаниябозлик, ур-сурлар, йўқдан йўндириб маълумот беришлар, баландпарвоз ҳисоботлар даври ўтди. Биз ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида, кундалик фаолиятимизда янгича фикрлаб, янгича яшашни жорий этмоғимиз керак. Фикрлаб яшаб, фикрлаб меҳнат қилишни ўрганмоғимиз лозим. Юқорида номлари зикр этилган қонунлар шуни тақозо этмоқда.

Қашқадарё воҳаси азалдан ғаллачилик, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида намуна бўлиб келган. Вилоятнинг иқлими, ер шароитлари, сув ва меҳнат ресурслари бугунги кунда тўлиқ ишга солинмаяпти. Улардан фойдаланиш даражаси анча паст. Биргина ҳосилдорлик кўрсаткичини таҳлил қилсак, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар кўзга яққол ташланади.

Мавжуд хўжаликларнинг 15 фоизи ҳар бир гектар ердан атиги 5-15 центнердан пахта ҳосили олганини қандай изоҳлаш мумкин? Суғориладиган майдонлардаги ғалладан Косон, Баҳористон, Қамаши ва Нишон туманларида 18-19 центнердан ҳосил олинганини ким нима билан оқлайди?

Вилоят бўйича картошкадан ўртача 78 центнер, полиздан 60 центнер ҳосил олинган. Боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги аҳвол бундан яхши эмас. Бу ерга бўлган муносабатнинг ёмонлиги, ишни ташкил этишда жиддий хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ва энг муҳими, деҳқон қалбига йўл тополмаслик, унинг тақдирига бефарқ қараш натижаси дейиш мумкин.

Вилоят бўйича 1997 йилда 47 та хўжалик йилни салкам 1 миллиард сўм зарар билан якунлаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоятда чорвачиликка муносабат ҳам аянчли аҳволда. Мазкур соҳа билан шуғулланадиган мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ҳамон ўз масъулиятларини чуқур англаб етолмаяптилар. Натижада чорва маҳсулдорлиги йилдан-йилга камайиб бормоқда. Баъзи бир жамоа хўжаликларида соғин сигирлардан кунига ўртача 2,5 литр сут соғиб олинаётганини қандай тушуниш мумкин?

Вилоятда фермерларга етарли эътибор берилмаётир. Бир пайтлари кампаниябозлик авж олиб кетиб вилоятда баландпарвоз ҳисоботлар учун фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бироқ, улар мавжуд имкониятларни ва ҳаётий эҳтиёжларни ҳисобга олмай ташкил этилганлиги сабабли самараси паст бўлмоқда. Йилдан-йилга инқирозга учраб бормоқда.

Ташкил этилган машина-трактор парклари деҳқонларнинг эҳтиёжини қондиролмаяпти. Бу тизим навбатдаги тадбиркорлик шаклини олган. Қоғозда техника деҳқон ихтиёридан кетган бўлсада, амалда эса таъмирлаш ҳамон деҳқон зиммасида турибди. Бир сўз билан айтганда, деҳқон ҳаётида туб ўзгариш бўлгани йўқ.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланиш даражаси анча паст. Таъмирлаш корхоналари ўзлари томондан режалаштирилган ишларни ҳам етарли даражада бажаришмаяпти. Мавсумда 30-40 фоиз техника ишламайди.

Техникага муносабат шундай бўлгач, меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва ҳосилдорлик хусусида нима дейиш мумкин? Мазкур соҳа раҳбарлари ўз ишларига шунчалик совуққонлик билан қарар эканлар, ўзларининг эгаллаб турган лавозимларига маънавий жиҳатдан муносиб эканликларини нима билан оқлайдилар? Нима учун айрим амалпарастнинг манфаати учун бутун жамият зарар кўриши керак экан? Бунга чек қўйиш вақти келди!

Вилоятда вужудга келган бундай салбий ҳодиса учун ҳокимлик жавоб бериши лозим!

Вилоятда кейинги уч йил мобайнида ижтимоий соҳада, жумладан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, ижтимоий таъминот ва аҳолининг бандлиги, маънавият ва маърифат масалалари бўйича анча муаммолар ечилмасдан қолмоқда.

Вилоятда жиноятчилик ўсиб бормоқда. Қасддан одам ўлдириш, унга суиқасд қилиш қарийб 5 фоиз, номусга тегиш 31 фоиз, мулкни ноқонуний ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш 51 фоиз, безорилик 7 фоиз, гиёҳвандлик жиноятлари 36 фоиз ошган.

Ички ишлар ходимлари томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ҳамда ҳал қилишда қонунчилик талабларини кўпол бузиш, жиноятларни қасддан ҳисобдан яшириш ҳолатлари мавжуд.

1995 йилда 45 та, 1996 йилда 51 та, 1997 йилда 45 та ва жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида эса 22 та жиноят турли усуллар билан ҳисобдан яширилган. Вилоятда вазиятни сунъий равишда юмшатиб кўрсатиш мақсадида ўта оғир ва оғир жиноятлар енгил жиноятлар сифатида рўйхатдан ўтказилиб, тергов қилинган.

1996 йилда вилоят ички ишлар идораларининг 11 нафар, 1997 йилда 15 нафар ходими жиноят содир этган. Шу йилнинг ўтган 4 ойида 7 ходим жиноятга қўл урган.

Масалан, Косон тумани ички ишлар бўлими милиция катта лейтенанти, терговчи А.Боймуродов, Яккабоғ туман суди раиси О.Шоймардонов пора олганлиги учун озодликдан маҳрум этилганлар.

Ички ишлар ва бошқа маъмурий идоралар томонидан тергов қилинаётган ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тергов муддатлари бузилишидан ташқари сифатсизлиги сабабли судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилаётган жиноят ишлари сони ортмоқда.

Иқтисодий жиноят ва коррупция вилоятда ўсиб бормоқда. 1997 йилда текширилган 296 та ташкилот ва корхонадан, яъни ҳар икки ташкилотдан бирида талон-тарожлик, моддий бойликларни ўзлаштириш ҳолатлари юз берган. Улар томонидан 12,8 миллион сўмлик ўзлаштириш фактлари аниқланган.

Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлими бошқарувчиси Ғайбулло Амирқулов ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Муборак туман дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Д.Олимов, омбор мудири Ф.Узоқов билан 516 тонна дон маҳсулотларини талон-тарож қилиб, ўзлаштирганлиги аниқланган.

Ғузор пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида қўшиб ёзиш бўйича жиноий иш қўзғатилган. Ҳозиргача 1309 тонна чигит камомади аниқланган. Нишон туман дон маҳулотларини қабул қилиш ва сақлаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида (раиси Аскаралі Бегматов) 1996 йил ҳосилининг ўзидан 1200 тонна дон маҳсулотлари камомади чиқди.

Аввал таъкид этилганидек, вилоятда юз бераётган жиддий камчиликлар асосан жойларда масъул шахсларнинг номуносиблигидан келиб чиқмоқда.

Маълумотларга қараганда, икки йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳаси раҳбарларининг 63 фоизи янгидан тайинланган. Нишон туманидаги айрим хўжаликларда 3-4 мартадан раҳбар янгиланган. А.Қодиров номли жамоа хўжалигида 2 йилда 4 та раис алмаштирилган.

«Қашқадарёгўштсаноат» ҳиссадорлик жамияти, «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси, «Қаршиқурилиш» бирлашмаси, Шаҳрисабз шароб-ароқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари шу давр мобайнида икки-уч мартадан алмаштирилган. Вилоятдаги мавжуд 12 та банкдан 9 тасининг раҳбари янгиланган.

Маҳаллийчилик, уруғаймоқчилик, шахсий садоқатига қараб лавозимга қўйиш кундалик ҳодиса бўлиб қолган. Аҳолининг ғашига, иззат-нафсига тегадиган «юқори зона», «ўрта зона», «пастки зона» кадрлари деган иборанинг қўлланиши хунук бир анъанага айланган.

Вилоят раҳбариятининг адолатсиз кадрлар сиёсатидан фойдаланиб, илгари вазифасини суиистеъмол қилиб бўшатилган, ишни эплай олмаган кимсалар турли йўллар билан яна раҳбар лавозимларга ўрнашиб олганлар.

Вилоятда ислоҳотларнинг суст кетишига ижро интизомининг бўшашиб кетганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Кўп ҳужжатлар жойларга кеч етказилади, уларга эътибор ҳам талаб даражасида эмас. Фармон ва қарорлар асосида вилоят ҳокимлигида қабул қилинаётган ҳужжат асоссиз равишда доимо кечиктирилиб қабул қилинган.

Аҳоли талаб ва эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаётгани, баъзи раҳбарларнинг ношудлиги, айниқса, фуқароларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйиш ҳоллари республика ташкилотларига ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Президент девонига келган хатлар сони 1997 йилда 88 фоиз, шу йилнинг 4 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37 фоиз кўпайган. Ҳуқуқ-тартибот органларининг ишидан норози бўлиб ёзилган хатлар сони 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 5 баробар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси кадрларининг лавозимларини суиистеъмол қилаётганидан норози бўлиб ёзганлар сони бир неча баробар ошган.

Шу йилнинг 4 ойи мобайнида келган 814 та хат ва аризада, қабулда бўлган 116 фуқаронинг мурожаатларидан 47 фоизида маъмурий-ҳуқуқий, 52 тасида эса кадрларнинг номаъқулчиликлари тўғрисида фикр билдирилган.

Ариза, шикоят, норизо бўлаётган одамларнинг сони кескин кўпайиб боришининг асосий сабаби, бугун Қашқадарёда вужудга келган вазиятнинг энг номаъқбул томони шундаки, шу воҳада яшаётган одамларнинг аҳволи, уларнинг дардлари, эҳтиёжлари кўп жойларда, кўп ҳолатларда эътиборсиз қолмоқда.

Бошқача айтганда, вазифада ўтирганлар, амалдорлар - тепадан пастга қадар - халқ дардини ўйлаш ўрнига, ўзаро биров-бировининг айбини ахтариш билан банд.

Бир гуруҳ иккинчи гуруҳ устидан, иккинчи гуруҳ биринчи гуруҳ устидан ёзади. Кўпчилик раҳбарлар, ҳаттоки ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаганлар ҳам, одамларни ҳимоя қилиш, ўз бурчларини виждонан бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ўрнатиш ўрнига, бир-бирининг орқасидан кузатиш билан овора.

Ким кимнинг жияни, ким кимнинг поччаси, қайси лавозимга ким ўтди-ю, ким вазифасиз кўчада қолди - гуруҳларни фақат шу нарса қизиқтиради. Қоровуллик бўлса ҳам, барибир вазифа керак.

Бунақа ўйинлар, бунақа бемаъни мусобақалар қандай хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида гапириш ортиқча.

Табиий савол туғилади: Нима, Қашқадарёда ечилмаган муаммолар йўқми?

Гап ишлаб чиқариш ҳақида, пахта ёки ғалла ҳақида эмас. Сўз, биринчи навбатда, одамларнинг турмуши, ижтимоий масалалар ҳақида бормоқда.

Магазинларда етарли мол борми-йўқми?

Одамларнинг ўз эҳтиёжларига керакли молларни сотиб олиши учун пули, ойлиги борми?

Нафақалар ўз вақтида бериляптими?

Деҳқонлар ўз вақтида маошларини кўряптими?

Касалхоналарда аҳвол қандай? Дори-дармон таъминоти қандай?

Мактабларда аҳвол қандай? Муаллимларнинг дардини ўйлайдиган, фарзандлар тақдири учун қайғурадиган раҳбарлар борми?

Санитария аҳволи қандай? Аҳолини тоза сув, газ билан таъминлаш қай даражада?

Мелисаларнинг ўз бурчларини бажариши қандай? Ёки уларнинг ўзларини тартибга чақириш керакми?

Бу каби саволларнинг охири йўқ. Қани, баъзи саволларга жавоб топиш мақсадида бугунги Қашқадарёнинг аҳволини кўриб чиқайлик.

Бугунги кунда деҳқонларнинг иш ҳақи бўйича қарз 961 миллион сўмни ташкил этади.

Саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларни ҳам кўшиб ҳисобласак, вилоят меҳнаткашларига салкам 1,5 миллиард сўмлик иш ҳақи тўланмаган.

Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Чироқчи туманларида ўтган йил ва бу йил ҳисобидан 2 ёшга тўлмаган болаларга 193 миллион сўмлик, 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган 75 миллион сўмлик нафақа тўланмаган.

Вилоят бўйича ҳар минг кишига 3 та маиший хизмат шаҳобчаси тўғри келади. Муборак, Яккабоғ, Косон ва Чироқчида бу кўрсаткич бундан ҳам паст.

Ўтган йили вилоят матлубот жамиятларига қарашли ташкилотлар 946 тонна гуруч, 194 тонна шакар, 293 тонна чой, 200 тонна макарон, 452 тонна совунни, «Қашқадарёсавдо» концерни ташкилотлари эса 110 тонна гуруч, 15 тонна чой, 36 тонна совун олишни ва аҳолига етказишни таъмин этмаган. Айни пайтда аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшайдиган одамларнинг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаган.

Мактаб ва боғчаларнинг аҳволи хароб. Янги лицей ва коллежлар учун бинолар қурилиши суст аҳволда.

Ғузор, Қамаши, Нишон, Косон, Чироқчи туманларида тоза ичимлик сув етишмайди.

Вилоятнинг жуда кўп аҳоли пунктларига газ етиб келмаган. Айрим туманларда санитария-эпидемиологик аҳвол мураккаблигича қолмоқда.

Муаммолар жуда кўп. Нега шунга эътибор бермайсизлар? Ўзаро тирноқ остидан кир қидиришга кетган вақтнинг жуда бўлмаса юздан бирини муаммолар ечимига, яхши мақсадга ишлатилса эди, олам гулистон бўларди. Одамлар ҳам сизлардан рози бўларди.

Бизга ишонган, бизни шу вазифаларга қўйган халқ биздан «ўйин»ларни, турли фисқу фасод гапларни эмас, амалий ишларни кутяпти. Аслида халқ шунинг ҳисобидан бизга ишонч билдиради. Баҳони ҳам шунга қараб беради.

Кимки шу ҳақиқатни унутган бўлса (бу ҳақда аввал ҳам минг марта айтганман, бугун яна такрорлаб айтаман), кимки шу ҳақиқатни унутган бўлса, ундай кимсанинг раҳбарлик курсисида ўтиришга ҳаққи йўқ.

Жамиятда раҳбарнинг ўрни бениҳоя муҳим. Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган раҳбар ҳамиша одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Одамларни бир-бирларига суяниб, таяниб, бир-бирларини тушуниб, муаммоларни биргалашиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий раҳбарнинг ноёб фазилати ҳисобланади. Раҳбарнинг энг катта душмани - кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ўзига ортиқча баҳо беришдир. Бундай раҳбар узоққа боролмайди.

Раҳбарликнинг энг буюк мезони - адолат. Бу сўзнинг замирида бутун халқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чуқурроқ тушунайлик, чуқурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

«Куч - адолатда» деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўгит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поғона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поғона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Қўлингиз остидаги кишилар сизга фақат хизмат юзасидан ҳисобот бериши мумкин, холос. Инсон сифатида, шахс сифатида, қолаверса, фуқаро сифатида сиз билан тенг ҳуқуқли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий муҳитни ҳам яратади. Демак, ишлаб чиқариш маданияти, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарга бўлган муносабатига боғлиқ.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилона муносабатда бўлади. Албатта, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўйрост эътироз билдирадиганлари ҳам бўлади. Халқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича халқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаб, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан халқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Одамларда ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш - бизнинг вазифамиз. Токи улар ўз кучига ва истиқболига ишонсин, қилаётган ишидан фахрлансин, ташаббускор бўлсин.

Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай бахт барчага - каттаю кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман.

Азиз дўстлар!

Мен Қашқадарёни яхши биламан. Қашқадарё - буюк Ватан ичра яна бир азиз ватанимдир. Қашқадарё дардини юрагимга жуда яқин оламан. Қашқадарёни, унинг одамларини яхши кўраман. Уларни ҳурмат қиламан, ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун керак бўлса ўзимни ҳам аямайман. Шунинг учун ҳам сизларга шу қадар куйиб-ёниб гапиряпман.

Мен сизларни, сизнинг қиёфангизда бутун қашқадарёликларни ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтадиган сабр-бардошли, иродали, айни пайтда яхшилик ва эзгуликни ҳимоя қиладиган кишилар деб биламан.

Сизларнинг улкан бунёдкорлик қудратингизни, истиқлол йўлидаги буюк интилишларингизни, келажакка катта ишонч билан қарайдиган, ўзининг кучқудратига, ақл-заковатига ишониб яшайдиган сиз каби юртдошларимни юксак қадрлайман. Қашқадарёнинг қадимий шоншуҳрати, асрлар мобайнида тўпланган обрў-эътибори, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий қудрати тикланиши йўлида бир ёқадан бош чиқариб хизмат қилишингизга ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик, оилангизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНАДИ

Ироқ ҳукумати Эрон билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш истагини билдирди. Ироқ Бош вазири ўринбосари Таха Ёсин Рамазон Эроннинг биринчи вице-президенти Ҳасан Ҳабибийга мактуб йўллаб, шу ниятни изҳор этган.

Ироқнинг «Ина» ахборот агентлиги хабар қилишича, икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида Бағдоддан Теҳронга махсус вакил ҳам юборилган. У Ироқ бош вазири ўринбосари Таха Ёсин Рамазон ҳамда ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳҳофнинг Эронга ташрифлари давомида эришилган келишувлар ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш билан шуғулланади.

Айтиш керакки, сўнгги вақтларда мазкур икки давлат ўртасидаги муносабатларда ижобий томонга силжиш бор. Масалан, Таха Ёсин Рамазон ва Муҳаммад Саид ас-Саҳҳофнинг Теҳронга сафарлари натижасида 1980-1988 йилларидаги Эрон-Ироқ уруши даврида асирга олинган аскарларни ўзаро айирбошлаш мақсадида икки томонлама комиссия тузишга келишилган эди.

АМР МУСОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Ливан парламенти раиси Набих Баррий билан ўтказган музокараларидан кейин Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусо «фақат халқаро ҳамжамиятнинг босими остидагина Исроил ҳукуматининг сиёсатини ўзгартириш мумкин», деб баёнот берди. У Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнининг тўхтаб қолишига сабаб бўлган асосий омил Исроил юритаётган сиёсат билан боғлиқ эканини таъкидлади. Араб дунёсининг барча мамлакатлари бу сиёсатни инкор этган тақдирдагина бирор ўзгариш бўлади, деди Амр Мусо.

Маълумки, Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафот Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёнини жонлантириш мақсадида араб давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ўтказиш таклифини илгари сурган эди. Миср ташқи ишлар вазири бу таклифни қўллаб-қувватлаб, бошқа араб давлатлари ҳам уни маъқуллашига ва бўлажак саммитда араб дунёсининг Яқин Шарқ можаросига нисбатан ягона нуқтаи назари ишлаб чиқилишига умид билдирди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИ

Япония ҳукумати Ҳиндистон ва Покистонда ўтказилган туркум ядро қуроли синовлари натижасида юзага келган вазиятни таҳлил этиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Мамлакат парламенти маслаҳатчилар палатаси қўмитасининг йиғилишида Бош вазир Р.Хасимото ўзи раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг ядровий қуролсизланиш ҳаракатини бошлаш истагида эканини маълум қилди.

Таъкидлаш жоизки, Япония бу борада анча фаол иштирок этмоқда. Куни кеча бу мамлакатнинг ташқи ишлар вазири Кейдзо Обути Токиода Кашмир муаммосини ҳал қилиш масаласига бағишланган халқаро конференция ўтказиш таклифи билан чиққан эди. Чунки кўпчилик кузатувчилар сўнгги вақтларда Ҳиндистон ва Покистонда «ядровий дастур»ларга катта эътибор қаратилганининг асосий сабаби айнан Кашмир муаммосидир, деган фикрни билдирмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Россиядаги айрим кучларнинг минтақада тартибни сақлаб туриш баҳонасида ўз таъсирини қайта тиклаш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасида ўз қонунларини ўрнатиш ва бу минтақани ҳарбий-сиёсий иттифоққа айлантириш истаги ҳали мурғак, бинобарин, анча мўрт бўлган собиқ совет республикалари учун хатарнинг қўшимча омилидир.

Белоруснинг (собиқ Белоруссия) ўз Президенти Александр Лукашенко ташаббуси туфайли Москва билан келишиш мўъжизаларини кўрсатаётганини истисно қилганда ҳам, собиқ СССРнинг яна бир нечта республикаси ўз ҳудудий манфаатлари барбод бўлиши мумкинлигидан хавотирга тушиб, МДҲнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқ бўлишини хоҳламоқда.

Арманистон Озарбойжондан Қорабоғ вилоятини тортиб олиш ниятида бўлгани учун Кремль билан ҳисоблашмоқда, Тожикистон эса, ўз чегараларини қўриқлашни Россия чегара қўшинларига топшириб қўйган. Шу боис, Ислом Каримов яқинда Бельгия Қироллигининг Бош вазири Жан-Люк Деханени қабул қилган пайтида «советлар етказган жароҳатлар» ни тезроқ даволаш тўғрисида гапирар экан, «Қорабоғ, Абхазия ва Тожикистон»ни эслатиб ўтди.

Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистон 1996 йил март ойида Божхона иттифоқини тузгач (бу иттифоққа яқинда Тожикистон ҳам қўшилди), МДҲ Тошкентнинг хайрихоҳлигидан маҳрум бўлди. Ҳар доим Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига хайрихоҳ бўлиб келган Ислом Каримовнинг фикрича, бу иттифоқнинг тузилиши улкан эркин савдо зонасининг қисқаришига ҳамда «божхона бандитизми»га олиб келади. Чунки, «эндиликда Ўзбекистондан Бельгияга ташиб кетиладиган товардан олинадиган бож солиғи шу товар қийматидан уч баравар кўп» бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти МДҲдаги бу мамлакатларда «божхона йиғимларидан тушаётган фойда миллий даромаднинг 30 фоизигача бўлган қисмини ташкил этаётгани учун» уларга таъна қилмоқда.

МДҲ мамлакатлари ўртасида собиқ СССРдан қолган асосий мерос бўлган иқтисодий алоқаларнинг қисқариши чегараларнинг турли томонларида табиат ресурсларини истифода этишни енгиллатишга ёрдам бермайди, албатта.

Каспий денгизининг «бўлиб олиниши» бунга яққол мисол бўла олади. Каспийдаги нефть конларидан биргаликда фойдаланишни ёқлаб чиқаётган Россия, Эрон ва Қозоғистон, Озарбойжон сиймосида жиддий мухолифга дуч келмоқда. Озарбойжон Каспий денгизини миллий ҳудудларга бўлиб юборишни афзал кўради. Чунки, Каспий денгизи «бўлиб олинган» тақдирда, «катта нефть»нинг анчагина қисми Озарбойжонга тегишли бўлиб қолади.

Филипп ПАКЕ,
(«Ла Либр Бельжик» (Озод Бельгия) газетасининг 1998 йил 28 май сонидан олинди).

ЭЪТИРОФ

лик шерикларнинг тўловларни ўз вақтида амалга оширишдаги батартиблигини, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар бу мамлакатда изчил ривожланаётганини таъкидлайди.

АҚШ Эксимбанки раҳбари «Маърифий тараққиёт ва барқарорлик йўлидан бораётган Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имконини қидириш»га ишонч билдирган.

Дарвоқе, Эксимбанк тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, Эксимбанк 1934 йили Америка Қўшма Штатлари ташқи тини қўллаб-қувватлаш учун 300 миллиард доллар миқдорида иш бажарганининг ўзиёқ фикримиз исботидир.

Мамлакатимизда ҳам Эксимбанк билан яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Эксимбанк умумий ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги кредити билан Ўзбекистонда ўндан ортиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда. Улар орасида Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, Кўқдумалоқдаги компрессор станцияси, Шўртан газ-кимё мажмуи сингари муҳим иншоотлар лойиҳалари мавжуд. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзаро алоқалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Даставвал озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун қисқа муддатли кредит ажратган мазкур молиявий муассаса айни пайтда нефть-газ саноати, агросаноат мажмуи ва бошқа соҳаларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Истиқболдаги режалар кўлами ҳам кенг.

Эксимбанк делегациясининг мамлакатимизга ташрифи ва ўзбек заминидаги учрашувларга хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор билан қараётгани бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, Вашингтондан олинган хабарда Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари Экспорт-Импорт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатган Марказий Осиёдаги энг катта ҳамкор сифатида таърифланган.

Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЖАЗО ЧОРАЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ДАЪВАТ

Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Чжун Америка Қўшма Штатлари ва айрим бошқа давлатларни Шимолий Кореяга қарши қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга даъват қилди. АҚШга давлат ташрифи арафасида «Нью-Йорк таймс» газетасига берган интервьюсида Жанубий Корея раҳбари Корейс ярим оролида ярим асрдан буён ҳукм суриб келаётган беқарорликни шу йўл билан бартараф этиш мумкин, деб айтган.

Маълумки, АҚШ қонунчилиги Америка фирма ва компанияларига Шимолий Корея билан алоқа қилишни тақиқлаб қўйган. Мазкур икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар АҚШ маъмурияти томонидан бир неча бор кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами билан чекланади, холос.

ЎЗБЕКИСТОН – ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ

ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Куни кеча Америка Қўшма Штатларининг Экспорт-Импорт банки (ЭКСИМБАНК) президенти ва бошқаруви раиси Жеймс Ҳармон раҳбарлигидаги мазкур банк делегацияси аъзоларининг Ўзбекистонга ташрифи якунланди. Ушбу нуфузли молиявий муассаса делегациясининг мамлакатимизда бўлиши жаҳон оммавий ахборот воситаларида ҳам атрофлича ёритилди.

Жумладан, Вашингтондан олинган хабарда Эксимбанк президенти ва бошқаруви раиси Жеймс Ҳармон Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва эртанги истиқболлари ҳақида тўхталиб, Марказий Осиёдаги бу давлат билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш самарали кечаётганлигини, ўзбекистонликларнинг тўловларни ўз вақтида амалга оширишдаги батартиблигини, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар бу мамлакатда изчил ривожланаётганини таъкидлайди.

АҚШ Эксимбанки раҳбари «Маърифий тараққиёт ва барқарорлик йўлидан бораётган Ўзбекистон билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш имконини қидириш»га ишонч билдирган.

Дарвоқе, Эксимбанк тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, Эксимбанк 1934 йили Америка Қўшма Штатлари ташқи савдо тараққиётини қўллаб-қувватлаш, саноат корхоналарининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантириш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини юксалтириш мақсадида ташкил этилган.

Иккинчи жаҳон уруши ниҳоясига етганидан сўнг уруш натижасида вайрон бўлган Европа иқтисодиётини қайта тиклаш учун Америка компаниялари иштирокига кўмаклашиш жараёнида мазкур банк ўзининг кенг қамровли фаолияти билан муҳим роль ўйнаган.

Ҳозирги даврда ҳам дунёнинг турли мамлакатларига Америка компаниялари экспорти ҳаракатига молиявий кўмаклашиш борасида Эксимбанк салмоқли ўринни эгаллайди. Фаолиятининг 63 йиллик даври мобайнида мазкур банк Америка экспортини қўллаб-қувватлаш учун 300 миллиард доллар миқдорида иш бажарганининг ўзиёқ фикримиз исботидир.

Мамлакатимизда ҳам Эксимбанк билан яқин ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Эксимбанк умумий ҳажми қарийб 800 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги кредити билан Ўзбекистонда ўндан ортиқ лойиҳани амалга оширишда иштирок этмоқда. Улар орасида Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, Кўқдумалоқдаги компрессор станцияси, Шўртан газ-кимё мажмуи сингари муҳим иншоотлар лойиҳалари мавжуд. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзаро алоқалар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Даставвал озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун қисқа муддатли кредит ажратган мазкур молиявий муассаса айни пайтда нефть-газ саноати, агросаноат мажмуи ва бошқа соҳаларни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилмоқда. Истиқболдаги режалар кўлами ҳам кенг.

Эксимбанк делегациясининг мамлакатимизга ташрифи ва ўзбек заминидаги учрашувларга хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор билан қараётгани бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, Вашингтондан олинган хабарда Ўзбекистон Республикаси Америка Қўшма Штатлари Экспорт-Импорт банки билан яқин ҳамкорлик ўрнатган Марказий Осиёдаги энг катта ҳамкор сифатида таърифланган.

Шуҳрат УМИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

БЕДОДЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Косоволик албанларнинг раҳбари Ругова Нью-Йоркда БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан учрашганидан сўнг халқаро жамоатчиликни Сербиянинг Косово вилоятидаги бедодликларга чек қўйишда фаол иштирок этишга даъват этди. У албанларга қарши полиция ва ҳарбийлар томонидан уюштирилган операциялар тўхтатилиши зарурлигини айтди. Кейинги кеча-кундузларда косоволик албанлардан 1300 киши Албанияга қочиб кетди.

Туркия. Измир шаҳри.

ҲУКУМАТ РАИСИНИНГ ФРАНЦИЯГА ТАШРИФИ

Россия Федерацияси ҳукумати раиси Сергей Кириенко икки кунлик ташриф билан Парижга келди. Ташриф давомида Россиянинг Франция олдидаги тижорат борасидаги қарзларини қайтариш масалалари муҳокама қилинади. Бундан ташқари Франция томони Россияга яқин икки йил ичида 300 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратиши мумкин. «Рено» фирмаси иштирокида АЗЛК мотор заводида йилига 240-250 минг двигатель ишлаб чиқариш учун янги лойиҳалар амалга оширилади.

ҚОЧОҚЛАР НИЯТИ – ВАТАНИГА ҚАЙТИШ

Амалий ташриф билан Босния ва Герцеговинага келган Германия мудофаа вазири Фолкер Руе Сараевода қатор учрашувлар, жумладан, Мусулмон-хорватлар федерацияси ҳукумати раиси Адҳам Бичакчи билан мулоқот ўтказди. Учрашувларда асосий диққат-эътибор айни вақтда Германияда истиқомат қилаётган босниялик қочқинларни ватанига қайтариш масаласига қаратилди.

Ф.Руенинг таъкидлашича, ҳозир Германияда 200 мингга яқин босниялик қочқин бор. Уларнинг аксарияти бошпана бўлса ватанига қайтиш ниятида.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШДАН ДАРАК ЙЎҚ

Ҳукуматнинг миллий иқтисодиётни танглиқдан чиқариш учун қўллаётган чора-тадбирларига қарамай, Японияда иқтисодий ўсиш кузатилмаяпти. Япония Ташқи савдо ва саноат вазирлиги маълумотига кўра, ўтган апрель ойида саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,1 фоизга камайган. Бундай салбий натижа уч ойдан буён муттасил давом этмоқда.

Саноатдаги пасайишнинг асосий айбдорлари этиб электротехника, машинасозлик соҳалари кўрсатилмоқда.

АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Истанбул шаҳрида «Жаҳон чорраҳалари» халқаро конференцияси бошланди. Унинг қатнашчилари Каспий денгизи ва Марказий Осиёдан нефть ва газ маҳсулотларини жаҳон бозорига ташиш истиқболларини муҳокама қилади.

Анжуманда Каспий денгизи ҳамда Марказий Осиёдан нефть ва газ маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишга оид 65 лойиҳани кўриб чиқиш режалаштирилган.

(ЎзА ва хорижий манбалар асосида тайёрланди)

Мамлакатлар ҳаёти

ОНАДЎЛИ ДУРДОНАСИ

Буюк Салжуқийлар давлати хали барпо бўлмаган бир вақтда Чағрибек қўмондонлиги остидаги Ўғиз қабилалари Ўрта Осиё ҳудудларидан йўлга чиқиб, 1018 йилда илк бор Онадўли тупроқларига оёқ босган эдилар. Қарийб тўрт минг километрлик бу йўлчилик узоқ вақт давом этган шиддатли жанглар билан амалга ошган эди. Бугун эса, Тошкент шаҳридаги замонавий аэропортдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учоғига ўтирсангиз, у сизни роппароса беш соатда Туркия Жумҳориятининг энг кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳри бўлмиш Истанбул Отатурк ҳаво лиманига элтиб қўяди. Аэропортнинг ўзида бирор кимса сиздан қайси мамлакатдан келганингизни сўраса, фахр билан ўзбекистонлик эканингизни айтасиз. Шунда у, албатта, «Оталаримиз юртидан хуш келдингиз!» — дея қучоқ очиб қарши олади.

Дарҳақиқат, юқорида айтганимиздек, 1018 йилда Ўрта Осиёдан келган Ўғиз қабилалари Буюк Византия Империясига қарашли бўлган Шарқий Онадўли тупроқларига кириб келадилар. Олиб борилган режали ҳарбий ҳаракатлар натижасида бу қўшин мислсиз ғалабаларни қўлга киритади ва қисқа вақт ичида Мармара денгизи соҳилларини ҳам эгаллайди. 1071 йилнинг 26 августида Султон Алпарслоннинг Византия қўшинлари устидан Малазгирт деган жойда қозонган ғалабаси Онадўли тақдирини ҳал этади. Натижада, бу ҳудудларда бир қатор Бейлик (Хонлик)лар барпо бўлади. Булардан энг йириги мамлакатнинг ғарбий қисмида, Буюк Византия Империясининг у вақтлардаги пойтахти бўлмиш Истанбул яқинида жойлашган Изник шаҳрида бунёд этилади. Бироздан сўнг унинг замирида Буюк Салжуқийлар давлати қурилади.

1072 йилда Қайсари, 1073 йилда Пафлагонйа, 1074 йилда эса Антакйада Византия қўшинлари тор-мор этилгач, Буюк Империя мағлубияти муқаррарлиги маълум бўлиб қолади. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор йирик ғарб давлатларини ташвишга сола бошлайди. Ислом динининг кенг ҳудудларда ёйилишига тиш-тирноғи билан қарши бўлган давлатлар бундай хавфни бартараф қилиш мақсадида кучларни бирлаштириб, 1, 2 ва 3 Салб (Хач) юришларини ташкил этадилар. Аммо бу тадбирлар ҳам турк қўшинларини тўхтатишга ожизлик қилади. Салжуқий Султон Маъсуд I Византия қўшинларини 1146 йилда Коняда, 2 Салб қўшинларини эса 1147 йилда Эскишаҳар яқинларида мағлуб этади. 1176 йилда Салжуқий Султон Қилич Арслон II Византия Императори Мануэл устидан ғалаба қозонганидан кейин Онадўлида турк ҳокимияти ўрнатилгани ҳақидаги хабар дунёга тарқалади. Орадан юз йилдан ортиқроқ вақт ўтганидан кейин эса жаҳон тарихида мавжуд бўлган энг қудратли уч империядан бири — Усмонли Империяси вужудга келади ва олти юз йилдан ортиқроқ вақт умр кўради (1299-1920).

Йиллар ўтди, авлодлар ўзгарди. Бугунга келиб, Туркия Жумҳурияти дунёнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланган мамлакатларидан бирига айланди. Европа ва Осиё минтақаларида 814.578 километр квадрат майдонни эгаллаган бу мамлакатнинг 65 миллионга яқин аҳолиси бор. Унинг қирғоқларини Мармара, Ўрта ер, Эге ва Қора денгиз сувлари ювиб туради. Шунинг учун, дунёнинг қайси еридан чиққан бўлмасин, кемалар албатта Туркия портларига кирмай ўтмайдилар. Бугунги кунда Туркияда эллик олтита университет ишлаб турибди. Булардан энг йириклари Истанбул, Эге, Ғози, Мармара, Анқара, Улудоғ ва Дўқуз эйлул (9 сентябрь) университетларидир.

Туркия Жумҳуриятининг пойтахти Истанбул шаҳрида 12 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Дунёнинг энг йирик порт, саёҳат ва савдо-сотиқ маркази бўлган бу шаҳарга ҳар куни уч-беш миллионга яқин меҳмон келиб-кетади. Истанбул шаҳрининг катталигига амин бўлиш учун Марказий Отогар (Автобус станцияси)га келиб, «Улусой» ширкатининг тезюрар шаҳарлараро автобусига ўтирамиз ва Эге вилояти томон йўл оламиз. Замонавий ва тезюрар «Мерседес-403» автобуси шаҳарнинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига қадар қарийб уч соат юрар экан, қадимий жоме ва осмонўпар бинолар гўзаллигига маҳлиё бўлиб борамиз. Шаҳар ортда қолгач, Мармара денгизи узра паром воситасида, сўнг тоғ ўрмон оралаб ўтган йўлдан катта тезликда борар эканмиз, сафарнинг охири йўқдай туюлади. Аммо Туркиянинг тарихий пойтахти бўлмиш, бугунги кунда эса «Европанинг энг яшил шаҳри» номини олган Бурса, ундан кейин келадиган Балокесир, Маниса ҳудудлари ортда қолгач, қарийб ўн соатлик сафар сўнггида кўз ўнгимизда икки тоғ орасидан чиқиб келган гўзал манзара — денгизнинг мусаффо сувлари ювиб турган қирғоқ бўйлаб осмонга бўй чўзган қатор пальма дарахтлари ва уларга ҳамоҳанг тарзда қад кўтарган замонавий осмонўпар бинолар намоён бўлади. Бу қачонлардир Рум ҳукмдорининг қизи, гўзал малика Смирна шарафига номланиб, бугунги кунда Измир деб аталаётган шаҳар, Онадўлининг ҳақиқий дурдонасидир.

Измир Туркиянинг энг йирик саноат ва маданият марказларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг сони уч миллиондан ортиб кетган бўлса-да, унда яшаётган одамларнинг ўртача ёши 25-30 ёшни ташкил этади. Шунинг учун бўлса керак, Измир Онадўлининг энг кўҳна ва шу билан бирга келажаги порлоқ шаҳарлари сирасига киради. Одамлар уни севишгачлар шаҳри деб атайдилар, кимдир унга меҳр билан «Кичик Париж» деб ном қўйган, яна кимдир учун эса у Онадўли дурдонасидир.

Қачонлардир машҳур француз ёзувчиси Виктор Гюго бу афсонавий шаҳарни гўзал маликага қиёслаган эди. Дарҳақиқат, бу «гўзал малика»га соҳиб бўлиш учун не-не ўғлонлар ўз ҳаётларини таҳликага отмадилар. Тарих зирвасида Измир қиёфаси кўп ўзгарди. Фақатгина унинг иссиқ қуёш тафтида майин жилваланаётган денгиз сувлари ва дилкаш инсонлари ўзгармади, холос.

Онадўлининг ғарбий қисмида, яъни Эге денгизининг сўлим қирғоқларида жойлашган Измир ўзининг узоқ тарихига эга. Олимларнинг фикрича, шаҳар милоддан аввалги учинчи минг йилликда бунёд бўлган. Ривоятларга қараганда, унинг бунёдкори Филиппнинг ўғли Буюк Искандар кунлардан бир кун Пагос тоғи этакларида кийик овлаб юрганида катта чинор остида ухлаб қолади ва туш кўради. Тушида осмондан келган маъбудлар унга мана шу тоғ ёнбағирларида шаҳар бунёд этиши кераклигини айтадилар. Шу тариқа дастлаб Смирна, кейинчалик эса Измир деб номлана бошлаган шаҳар дунёга келади.

1390 йилда Усмонли Султон Боязид I Йилдирим Онадўлининг ғарбий қисмини, шу билан бир қаторда Измирнинг христиан кучлари бошқаруви остидаги айрим ҳудудларни забт этади. Аммо денгиз йўли билан давомли равишда мадад олиб турган Кадифа қалъаси яна узоқ вақт мобайнида румлар бошқаруви остида қолади.

1402 йилда Анқара остидаги жангларда ғолиб чиққан Соҳибқирон Амир Темур Измирнинг бир қисми ҳамон христианлар назорати остида эканидан хабардор бўлиб, бу шаҳарга юриш қилади. 1402 йилнинг декабрь ойида қисқа муддатли жанглардан кейин Измир ва Кадифа қалъсини ишғол қилади. Иккига бўлинган шаҳарни бирлаштириб, бироздан кейин унинг бошқарувини Ойдинўғиллари беклари қўлига топшириб, ортига қайтиб кетади.

Туркий халқ ва элатларни бирлаштириб, Чиндан то Измирга қадар узанган буюк бир Империя барпо этган Соҳибқироннинг зиммасига нафақат Шарқ мамлакатлари ва халқлари тарихига, балки кўп жиҳатдан бутун башарият тақдирига янги ва муҳим саҳифа битишдек шарафли вазифа юкланган эди.

Йиллар ўтгач, Соҳибқироннинг бу хизматлари ўзининг муносиб баҳосини олди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйлари нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида, жумладан, туркий тилда сўзлашувчи халқлар томонидан ҳам кенг нишонланди. Бундай шодиёна қутламалар Туркиянинг Измир шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

1996 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчихонаси ва Измир шаҳар ҳокимлиги томонидан ҳамкорликда ўтказилган тантанали йиғилиш Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ва тарихий Кадифа қалъа озод этилишининг 594 йиллигига бағишланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар феодал тарқоқлик, вайроналиклар келтирувчи ўзаро урушлар оқибатини олдиндан кўра билган Амир Темур туркий халқлар бошини бирлаштириб, шарқда Ғарбий Олтойдан тортиб ғарбда Ўрта ер денгизи соҳилларига қадар ҳудудда узаниб, пойтахти кўҳна Самарқанд бўлган йирик ва қудратли давлат барпо этишдек азалий орзуни амалга оширгани ҳақида гапирдилар. Соҳибқирон бунёдкорлик ишлари билан шуғулланибгина қолмай, балки илм-фан, санъат ривожига ҳам ҳомийлик қилиб, тарихда ўчмас из қолдиргани алоҳида таъкидланди. Ушбу илмий анжуманда сўзга чиққан Эге университетининг профессори, машҳур темуршунос олим Исмоил Ака «Амир Темурнинг туркий халқлар тарихида тутган ўрни», Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходими Камол Комилов «Амир Темурнинг илм-фан ва маданиятга эътибори», тарихчи олим ва ёзувчи Зиё Южесой «Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби», мен эса «Амир Темур жаҳон олимлари талқинида»ги мавзуларида маърузалар қилдик. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги Бош консули (ҳозир Ўзбекистоннинг Туркиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси) Умарали Худойбердиев ҳам сўзга чиқди. Тантаналарда Измир шаҳар ҳокимлиги раҳбарлари, кўплаб жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, матбуот ходимлари иштирок этдилар.

Йиллар ўтди. Аммо бугун ҳам Измир ўзининг эътиборли ўрнини йўқотмади. Бугунги кунда у дунёнинг энг замонавий шаҳарларидан бири, катта савдо-сотиқ маркази ва Туркиянинг «денгиз дарвоза»ларидан биридир. Шаҳар кўрфазидаги портларга ҳар кун дунёнинг турли бурчакларидан ўнлаб кемалар келиб турибди. Осмонўпар бинолар, маданий муассасалар, кўм-кўк ва сариштa боғу роғлар, тантанавор майдон ва осойишта хиёбонлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Измир ёшлар шаҳри. Аввал айтганимиздек, аҳолисининг ўртача ёши 25-30 ни ташкил этади. Уларнинг аксарияти ўрта махсус билимгоҳлар, лицей ва университетларда таҳсил оладилар. Қувонарлиси шундаки, улар билан бирга элликка яқин ўзбекистонлик талаба ҳам Измирдаги Эге ва Дўқуз эйлул (9 сентябрь) университетларида таҳсил олишмоқда. Улар Ўзбекистон халқ хўжалиги учун лозим бўлган молия, туризм, иқтисод, текстиль, компьютер ва озиқ-овқат муҳандислиги соҳаларини эгаллашмоқда.

Туркиянинг энг гўзал гўшаларидан бири, Онадўлининг ҳақиқий дурдонаси бўлган Измир билан хайрлашар эканмиз, шаҳарнинг энг баланд нуқтаси Телеферикдан сўнгги бор унга назар ташлаймиз. Шаҳарнинг хиёбон ва майдонлари, соҳил бўйлаб қатор экилган пальма дарахтлари виқор билан осмонга бўй чўзади. Оқшом узра денгиз ортига бекинаётган қуёшга сўнгги бор назар ташлаш иштиёқида талпинаётган инсонни эслатадилар улар. Худди қалбига орзу ва умидини жо этган одамлар каби...

Рустам ШАРИПОВ

Яқинда от спорти бўйича Қозоғистонда йирик мусобақалар бўлиб ўтди. Жаҳон кубоги мусобақаларида Ўзбекистон Республикаси чавандозлари муваффақиятли иштирок этишди. Ушбу беллашувларда моҳир чавандоз Ғайрат Назаров ўзининг «Қовум» лақабли отида барча рақибларидан ўзиб, ғолиблик шоҳсупасининг юқори поғонасига, Алихон Азизов эса ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи босқичига кўтарилди. Сергей Шмелев эса «Хариб» лақабли отида учинчи ўринни забт этди. Анвар Акбаров «Чингизхон» кубоги учун баҳсларда учинчи ўринни эгаллади.

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўтказилган мусобақалар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кўплаб мамлакатларнинг спортчилари иштирок этган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси умумкоманда ҳисобида учинчи ўринни олиб, навбатдаги босқичга йўлланма олди.

Куни кеча Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида халқаро мусобақаларда яхши натижаларга эришган чавандозларни шарафлаш маросими бўлди.

Спорт

ШУНҚОРЛАР ЯНА ТОШКЕНТДА

АЛЬПИНИЗМ. Дунё томи -- Эверест чўққисини забт этиш билан боғлиқ ўзига хос халқаро мусобақада иштирок этган юртимиз ўғлонлари эсон-омон яна Тошкентга қайтдилар. 8848 метрли юксак чўққини биринчи бўлиб забт этган Рустам Ражабов дунё томида мовий-яшил байроғимизни ҳилпиратгани ҳақидаги хушхабар ўзига хос воқеага айланди. Ўзбекистон ўғлонларидан 11 нафари бундай юксаклик нафасидан баҳраманд бўлишди. Мухлислар Рустам Ражабов, Светлана Баскакова, Сергей Соколов, Марат Усаев, Илёс Тухфатулин, Андрей Заикин, Алексей Докукин, Андрей Фёдоров, Ханиф Молмометов, Роман Кац, Олег Григорьевлар номини эслаб юрадиган бўлишди. Шунқорларимиз Катмандо-Деҳли-Тошкент йўналишида парвоз қилдилар. Альпинистларнинг Тошкентда кутиб олиниши ҳам байрамона тус олди.

Суратқаш Муҳаммад АМИН (ЎзА)

бошқалар Ўзбекистонда йирик мусобақалар ўтказиши учун барча шароитлар мавжуд эканини таъкидлаб ўтишди.

Ютуқларимиз ўзимизники, бироқ бизда спортнинг ушбу турини ривожлантириш йўлида айрим тўсиқлар ҳам борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Айни пайтда олдимизда спорт отлари етиштириш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Кўплаб от спорти мактабларининг моддий-техник базаси кўнгилдагидек эмас. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Сирдарё вилоятларида бу иш кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Таниқли мураббийларимиздан бири Рустамбек Салимбеков раҳбарлигидаги бир гуруҳ мутахассислар жойларга бориб аҳволни ўрганмоқдалар. Ўйлаймизки, яқин келажакда қорабайирларимиз, Бойчиборларимиз янада кўпаяди.

Ниятимиз шуки, буюк келажак йўлида чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётган Ўзбекистонимизда от спорти ҳам ривожланаверади.

Шунда чавандозларимиз жаҳоннинг барча майдонларида юксак марраларни эгаллайверадилар.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

СУРАТДА: олтин медаль соҳиби Ғайрат Назаров «Қовум» лақабли отда. Унинг ёнида эса от спорти федерацияси президенти Ниёзбек Ирисбеков билан мураббий Абдурасул Содиқов.

ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАМОҚДА

Ғайрат Назаров, Алихон Азизов, Анвар Акбаров, Сергей Шмелев, Ўктам Ҳошимов сингари терма жамоамиз аъзоларига халқаро беллашувларда ғалабага эришиб, Ўзбекистон шарафини юқори поғонага кўтарганлари учун ташаккур айтилди.

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Баҳодир Махситов бу спортчиларни ютуқ билан табриклаб, уларнинг яхши натижалари Бангкокда бўладиган Осиё ўйинларида Ўзбекистон командасига катта муваффақиятлар келтиради, деб умид қилишга асос бўлишини таъкидлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизда от спорти тобора ривожланиб бормоқда. Бунда албатта, чавандозлик спортининг фидойилари бўлмиш жонкуяр инсонларнинг ҳиссаси катта. Масалан, от спорти федерациясининг ижрочи директори Собир Пўлатов, конкур бўйича вице-президент Абдурасул Содиқов, хўжалик ишлари раҳбари Муҳиддин Исматуллаев, республика олий маҳорат мактаби катта мураббийси Жўрақўзи Турдиматов, йирик мутахассис Ботир Толипов ва бошқалар спортнинг мазкур турини ривожлантиришда жонбозлик қилишмоқда.

Биз Ўзбекистон Республикаси от спорти федерацияси президенти Ниёзбек Ирисбеков билан учрашиб, бугунги кунда чавандозлар олдида турган вазифалар ва уни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида сўрадик,

-- Авваломбор шуни айтишим керакки, чавандозларимизнинг ютуқларини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Буни яқинда Гонконгда бўлиб ўтган жаҳон от спорти федерациясининг ассамблея мажлисидан ҳам билса бўлади. Шуниси қувончлики, бизнинг делегациямизни малика Пилар де Бурбоннинг шахсан ўзи кутиб олди. У бизнинг кейинги йилларда эришган ютуқларимизни эътироф этди. Ассамблея мажлисида Марказий Осиё чавандозлигасини ташкил этишга қарор қилинди. Муҳими шуки, навбатдаги лига мусобақалари 1999 йилнинг апрель ойида Тошкентда ўтадиган бўлди. Яна бир қувончли ҳодиса, ўша куни ҳакамимиз Равшан Саъдуллаевга халқаро тоифадаги ҳакам унвони берилди.

Халқаро от спорти федерациясининг бош котиби Харинфред Харинг, бутунжаҳон от спорти кубок мусобақалари ўтказиш бош директори Макс Аимаи ва

МАЙДОНДА ФАҚАТ АЁЛЛАР

ТЕННИС. Шу кунларда Тошкентдаги «Динамо» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда аёллар ўртасида «Челленжер» халқаро мусобақаси ўтказилмоқда. Учинчи марта уюштирилган бу мусобақада ўнлаб давлатларнинг теннисчилари куч синашмоқдалар. Катта теннис ўйнаш бобида маҳорат ошираётган теннисчи қизларимиз учун бу халқаро мусобақа ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Хусусан, Наташа Никитина австралиялик Гейл Биггсдан 2:6, 3:6, Ирода Тулаганова эса Исроил теннисчиси Ципора Обциллердан 2:6, 5:7 ҳисобида енгилишган бўлсада, имкониятлари етарли эканлигини чамалаб олишди. Шунингдек, Гила Розен (Исроил), Патриция Вартуш (Австрия), Анна Запорожанова (Украина), Елена Воронаева (Россия)лар ҳам биттадан ғалабага эришдилар. Ғолиблик учун кураш давом этмоқда.

ЧИНАКАМ БАХТИЁР ИНСОН КИМ?

Журналнинг янги сони

«Инсонни чинакам бахтиёр қила оладиган иккй хил хоҳиш бор, одамларга яхшилик қилиш ва соф виждонли бўлиш», -- дейди Вильям Шекспир. Шуниси ҳайратланарлики, бу оддий ҳикматга Шекспир замонидан минг йилча аввал «Қуръони Карим» ва Ҳадиси шарифларда ҳам катта эътибор берилган. Аммо, бундан ҳам ҳайратланарлиси шуки, бу оддий ҳикматни виждон ва инсоф, диёнатдан узоқ турувчи жуда кўп одамлар ёмон кўрадилар, ёки тан олмайдилар. Чунки, соф виждонли одам бўлишни, ўзга одамларга, халққа яхшилик қилишни улар ўзлари учун зарарли деб ҳисоблайдилар. Бировларнинг ҳаққидан уриб қолишни, таъмагирлик, юлғичликни эса асосий қоида қилиб олганлар.

Доимо ўз саҳифаларида жамиятимиз ҳаётининг муҳим муаммоларини кўтарувчи «Мулоқот» журналининг янги, учинчи сонида таниқли журналист Рашид Раупов «Бозорнинг ҳалол луқмаси» мақоласида ана шундай, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган одамларнинг кирдикорлари ҳақида жон куйдириб ёзади.

«Мулоқот»нинг янги сонида атоқли тарихчи уламоларимиздан Ҳамид Зиёев «Буюк ўзгаришлар ва порлоқ келажак кўзгуси» мақоласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 6 жилдли асарлар тўпламида тилга олинган муҳим ижтимоий муаммолар ҳақида муфассал фикр юритади.

Педагог олим Аҳрор Убайдуллаевнинг «Асосий мақсад -- таълимни инсонийлаштириш», тарих ва фалсафа олими Мираҳмад Абдуллаевнинг «Маданият, маънавият, маърифат», Анвар Чориевнинг «Мустақил фикрловчи шахс», Назар Ражабовнинг «Ватан туйғуси», Муродилла Олтибоевнинг «Эътиқод ва ақл» каби лавҳа ва ўй-мулоҳазалари мураббийлар, раҳбарлар ва кўпчилик ёшларни руҳан бойитади.

«Мулоқот» журнали шу сондан бошлаб, инсоният уламоларининг устози Арасту ҳакимнинг «Ахлоқи кабир» асари таржимасининг янги бобларини бериб бормоқда. Асар таржимаси атоқли фалсафа олими Абдулҳафиз Жалолов таҳририда берилмоқда. Унда Арасту инсон вужуди ва кўнглидаги неъматларни тушунтиради. «Неъматлар кўнгилда бўлиши мумкин. Булар, (маънавий) фазилатлардир. Инсон танасидаги неъматлар: соғлиқ ва гўзаллик. Қад-қомат гўзаллиги инсон наслига ва ҳаёт шароитларига боғлиқ бўлиши мумкин. Вужуди гўзал одамлар ҳам бу неъматга муяссар этгани учун Яратганга шукроналар айтиши, кибрланиб, кеккайиб кетмаслиги керак».

Арасту ҳаким уқдиришича, неъматлар инсон кўнглидан ҳам, танасидан ҳам ташқарида бўлиши мумкин. Булар: бойлик, ҳокимият (мансаб), иззат-обрў ва бошқалар. Энг олий неъматлар -- инсоннинг кўнглида бўлиб, улар асосан уч турга бўлинади: оқиллик, гўзал хулқ ва руҳий лаззат. Арасту бошқа бир ўринда оқилликкўнгилдаги фазилатлар билан қўшилмаса, олий неъмат бўлолмаслигини айтади.

Арасту ҳаким айтишича, кўнгилдаги фазилатлар шарофати билан биз гўзал (мазмунли) яшаймиз. Гўзал яшаш очкўзлик билан мол-дунё орттириш дегани эмас, албатта. Аллома фикрича, фазл ва камолот ҳосил қилиш -- инсон учун олий мақсаддир. Афсуски, кўпчилик одамлар ўз нафсларини қондириб, ўткинчи ва тубан мақсадларга етишса, ўзларини бахтиёр ҳис этадиларки, буларни Фаробий ва Ғаззолий ҳам адашганлар деб ҳисоблайдилар.

Шарқшунос олим Нажмиддин Мирмаҳмудов «Ҳадис илмининг султони» мақоласида ал-Бухорийнинг ҳаёти ва бой маънавий мероси ҳақида мухтасар ҳикоя қилади. Адабиётшунос олим ва таниқли журналист Дониёр Бегимқулов «Эзгуликка чорловчи шеърият» мақоласида миллий шоиримиз Абдулла Орипов ижодида истиқлол ва инсон мавзуи қандай талқин этилганини ёритиб беради.

«Мулоқот»нинг бу сонида яна шарқшунос уламоларимиздан Ориф Усмон рубоийлари, Абдулҳаким Жузжонийнинг «Хожа Аҳрори Валий ва нақшбандия тариқати», фалсафа тадқиқотчиси Дилрабо Кенжаеванинг «Кўнгил маърифати», ёш олим Сарвар Очилнинг «Ҳазрат Али камолоти» каби мақолаларида бир қатор муаммолар қаламга олинган. Хуллас, журналнинг янги сони сизга бой маънавий, руҳий озиқ беради.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҲАРБИЙЛАШГАН БОЖХОНА КОЛЛЕЖИ

божхона иши - ҳуқуқшунослик ихтисослиги бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш 3 йиллик бўлиб, ҳарбийлашган шароитда, кундузги бўлимларда олиб борилади. Шундан бир йили божхона органларида амалий-синов даври ҳисобланади.

Коллежга тўлиқ ўрта маълумотли, 17 дан 30 ёшгача, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари (асосан йигитлар) қабул қилинади. Ҳужжат топширувчилар яшаш жойларидан ҳарбий-тиббий комиссия кўригидан ўтган бўлишлари шарт.

Ўқишга (тарих, она тили, ҳуқуқшунасликдан) тест синовлари ва жисмоний тайёргарлик меъёрларини бажариш орқали қабул қилинади.

Аризага қўшимча қилиб:

-- тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида аттестат,
-- иш жойидан ёки ўқиш жойидан тавсифнома,
-- 3 дона фотосурат (4х6, бош кийимсиз),
-- таржимаи ҳоли,
-- туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси,
-- ҳарбий комиссиядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома ёки ҳарбий билет,
-- яшаш жойидан маълумотнома.

Паспорт, ҳарбий комиссиядан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома ёки ҳарбий билет ҳамда тўлиқ ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли қабул комиссиясига кўрсатилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар ариза ва бошқа ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар божхона бошқармаларининг кадрлар бўлимларига тақдим этади.

Маълумот учун телефонлар: 137-62-44, 34-69-64.

Ҳарбийлашган божхона коллежи манзили:

Тошкент шаҳри, Раим Солиев кўчаси, 3-уй.

Қўшимча маълумотларни жойлардаги божхона бошқармаларидан олишингиз мумкин.

ТАШКИЛОТ

Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган пиёз маҳсулотини солишга мўлжалланган

ТЎР СЕТКАЛАРНИ СОТАДИ

Манзил: Алмати шаҳри, телефон: код (3272) 31-29-69.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ҲАРБИЙЛАШГАН БОЖХОНА КОЛЛЕЖИГА ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ ЎРИНЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Ўзбекистон тарихи
- иқтисодиёт
- фалсафа
- сиёсатшунослик
- умумий ва махсус руҳшунослик
- чет тиллар
- жисмоний тарбия
- ҳарбий тайёргарлик
- ҳуқуқий фанлар

(Давлат ва ҳуқуқ асослари, жиноий ва маъмурий ҳуқуқ асослари, криминалистика асослари, Халқаро ҳуқуқ)

- информатика
- божхона статистикаси
- божхона экспертизаси
- контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши кураш, суриштирув асослари
- божхона хизмати руҳшунослиги
- уйғунлашган тизим
- божхона қонунчилиги
- божхона назоратини ташкил қилиш
- Ташқи иқтисодий алоқаларда божхона тарифларини мувофиқлаштириш
- божхона тўловлари
- Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсати
- божхона назоратининг техник воситалари
- бухгалтерия ҳисоби

Танловда қатнашувчилар учун қуйидагилар шарт ҳисобланади:

- номзоднинг ёши 45 дан ошмаган,
- илмий даража (ёки унвонга) эга,
- ИИВ Ҳарбий-тиббий комиссиясининг тиббий кўриги хулосасига,
- мутахассислик ва соҳа бўйича камида 5 йиллик иш стажига эга бўлишлари шарт.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

Ариза,
кадрлар рўйхатига олиш учун шахсий варақа (2 дона 4х6 сурати билан),
таржимаи ҳоли,
хизмат тавсифномаси.
Олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом нусхаси, илмий даражаси ҳақидаги ҳужжатдан нусха.

Эълон қилинган илмий ишлари, ихтиролари рўйхати.

Қабул қилинганлар бир қанча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳужжатлар 1998 йилнинг 10 июнидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент ш. 700052, Раим Солиев кўчаси, 3-уй.

Маълумот учун телефонлар: 137-62-44, 34-69-64.

Информационное сообщение о общем собрании акционеров

АООТ «Лаззат»

Наблюдательный совет АООТ «Лаззат» извещает о проведении годового общего собрания акционеров 25 июня 1998 г. которое состоится по адресу: г.Ташкент, ул.Каракамышская, 4.

Начало собрания — в 16 часов. Начало регистрации в 14 часов.

Для регистрации участников собрания необходимо иметь при себе паспорт (удостоверение личности военнослужащего) или доверенность, подтверждающую полномочия лица.

Список акционеров, имеющих право на участие в общем собрании акционеров составлен по состоянию на 24 мая 1998 г.

ПОВЕСТКА ДНЯ СОБРАНИЯ:

1. Утверждение годового отчета общества, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков за 1997 г., распределение прибыли.
2. Утверждение заключения ревизионной комисии о деятельности общества в 1997 г.
3. Утверждение заключения аудиторской организации о подтверждении достоверности финансового отчета общества за 1997 г.
4. О дивидендах за 1997 г.
5. Утверждение новых редакций регламента проведения общего собрания, положений: об общем собрании акционеров и арбитражной комиссии, о Наблюдательном совете, правлений, ревизионной и счетной комиссиях, распределении прибыли, о порядке увеличения (уменьшения) Уставного капитала, порядке приобретения и выкупа размешенных акций, размещении акций и иных ценных бумаг.

С материалами, предоставляемыми акционерам при подготовке к собранию, акционеры могут ознакомиться по адресу: г.Ташкент, ул.Каракамышская, 4.

Наблюдательный совет АООТ «Лаззат»

Тошкент давлат юридик институти томонидан 1993 йил 14 июнда Давронбек Ҳуррамович Қосимов номига берилган №014952 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкентдаги «Ғалла-Алтег» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси шу жамият раиси Муҳаммадвафо Ибодовга онаси

Нафисахон ЗИЁВУТДИНХОН

қори қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси газета бош ҳисобчиси Холмурод Қодировга отаси

Худойберди ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида. А—2 форматида. 27.543 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 02.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА